



**“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ,
АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК
МАСАЛАЛАРИ” РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
(ПРОФЕССОР МУХАММАДЖОН
ХОЛБЕКОВ ХОТИРАСИГА
БАҒИШЛАНАДИ)**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



**“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ, АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ”**

Республика илмий-амалий конференцияси

Жиззах 2021 йил 23 февраль

ЖИЗЗАХ 2021

УДК: 8 И
ББК: 83.3 (4/8)

**“Хорижий филология, адабиётшунослик ва таржимашунослик масалалари”
республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Жиззах – 2021. – 284 бет
(1 қисм)**

Масъул муҳаррир:

Маматов Аюдоғофур Эшонқулович – филология фанлари доктори, профессор

Таҳрир ҳайъати:

Бўриева Н., Файзуллаева У., Рустамов И., Жабборова А., Мухаммедов А.,
Сафарова Д., Хайдарова Д., Норбекова Г.

Такризчилар:

Қаршибаева Улжон Давировна - филология фанлари доктори, профессор
Насруллаева Нафиса Зафаровна - филология фанлари доктори, профессор
Хамидов Ҳайрулла Худоёрович - филология фанлари бўйича фалсафа доктори
PhD, доцент

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз тили назарияси ва ўқитиш
методикаси кафедраси мудири, доцент в.б, PhD Бўриева Н.Қ.

*Ушбу тўпламга жамланган мақолалар қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма
тилишунослик ва таржимашунослик тарихи, адабиётшунослик, бадиий таржиманинг
лингвомаданий аспекти, замонавий наср ва шеър таржимаси муаммолари, ўзбек
адабиёти намуналарини инглиз тилига таржима қилиш, шунингдек, инглиз тилидан
ўзбек тилига бадиий таржимани амалга ошириш, хорижий тилларни ўрганиш
методикаси ва таълим тарбия назарияси, таълим жараёнига педагогик ҳамда
инновацион технологияларни жорий этиш билан боғлиқ долзарб муаммолар ҳамда бу
борада эришилган ютуқлар доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр
алмашувини таъминлашга хизмат қилди.*

Анжуман материалларидан мазкур мавзулар атрофида илмий-тадқиқот ишлари
олиб бораётган изланувчилар: олимлар, таянч докторантлар, магистрлар, талабалар
ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фойдаланишлари мумкин.

МИРТЕМИР ВА РОБЕРТ БЁРНС ШЕЪРЛАРИДАГИ ОЛҚИШ ХАРАКТЕРЛИ МИСРАЛАР ТАҲЛИЛИ

Ниязова Мохичехра Хаятовна
БухДУ Инглиз адабиётшунослиги
кафераси ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада атоқли ўзбек шоири Миртемир ва инглиз шоири Роберт Бёрнс шеърларида қўлланган олқиш характеридаги мисралар таҳлиliga эътибор қаратилган. Шоир ижодида халқ олқишларига ўхшаш шакл ва мазмун стилизациясига хос хусусиятларлар аниқланган.

Аннотация: Данная статья посвящена анализу стихов благопожелания, используемых в стихотворениях известного узбекского поэта Миртемира и английского поэта Роберта Бёрнса. В творчестве поэта выявляются особенности стилизации формы и содержания, похожие на благопожелание народа.

Annotation: This article is devoted to the analysis of the poems of good wishes used in the poems of the famous Uzbek poet Mirtemir and the English poet Robert Burns. In the poet's work, the features of the stylization of form and content are revealed, similar to the good-wishes of the people.

Калим сузлар: олқиш, фольклор, жанр, яхши ният, тўй, маросим, стилизация.

Ключевые слова: благопожелания, фольклор, жанр, доброжелательность, свадьба, церемония, стилизация.

Key words: applause, folklore, genre, benevolence, wedding, ceremony, stylization.

Миртемир XX аср ўзбек адабиётининг ривожланишига салмоқли хисса қўшган ардоқли лирик шоирлардан биридир. Шоир шеърятининг XX аср ўзбек бадий тафаккури тараккиётидаги ўрни ва ижтимоий-эстетик аҳамияти беқиёс. Бунда, албатта, Миртемир шеърятининг халқчил негизи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шоир Миртемир шеърятида халқ оғзаки ижоди анъаналари унинг халқчил негизини таъминлаган муҳим омиллардан саналади.

Миртемир ижодининг фазилатлари кўп. Унинг шеърятини фазилатли қилган хусусиятлар анчагина. Шулардан бири шоирнинг халқ олқишлари шакли ва мазмунида шеърлар яратганидир. Миртемир замонамизнинг хилма-хил мавзуларини тасвирлар экан, ўз асарининг бадий мукамаллигини ва ғоявий етуклигини таъминлаш мақсадида янги-янги шакллар танлашга ҳаракат қилган. Масалан, шоир “Боғ” шеърисида халқ оғзаки бадий ижодига хос олқиш жанрининг ифода услуби ва мазмун йўналишидан ижодий фойдаланиб, олқиш оҳангидаги сатрларни келтирган:

Балли, ўғилларим, кўз нурларим!

Балли, қизчаларим, бор бўлинг!

Сизда менинг умид. Орзуларим,

Яшанг, ўсинг, беғубор бўлинг!

Кўриняптики, шоир олқиш айтиш билан фарзандларга эзгу тилаклар билдирмоқда.

Миртемирнинг “Тўйга атаганим” шеърисида ҳам олқиш руҳи сезилади:

Бахт устига бахтлар келсин,

Соя солсин бошингизга.

Тўй устига тўйлар бўлсин,

Етинг юз бир ёшингизга.[1]

Одатда, ўзбек тўйларида айтиладиган тилаклар олқишлардан иборат бўлади. Яхши ниятлар айтилаётганда “тўй устига тўйлар бўлсин” дея эзгу тилак-истак ихзор қилинади. Бахт-саодат, узок умр тилаш олқишларнинг асосий мазмунини ташкил этади. Миртемир ҳам халқ удумларини яхши билганидан ўзининг қалб туғёнларини олқиш шаклида китобхонга етказган.

Шоирнинг “Хуш қол” шеърида ўзбек халқ достонларида кўп кузатиладиган “сафар олди хайрлашуви” мотиви билан боғлиқ сафар олқиши шакл ва мазмунидан фойдаланилганини англаш мумкин:

Хуш қол, азиз мактаб, меҳрибон оғуш!

Заллар, оқ бўлмалар рози қол ва хуш!..

Хуш қол, билим ўчоғи!

Илиқ она кучоғи...[2]

Маълумки, халқ достонларида эпик қаҳрамон узок сафарга жўнаб кетишидан олдин яқинлари билан “хуш қол”, дея хайрлашади. Шоир айнан шуни мактаб билан хайрлашув чоғидаги ҳолатда қўллаб, ўзига хос поэтик янгиланишга йўл очган.

Ёхуд шоирнинг яна “Саҳарларда” шеърида ҳам шу хусусият кузатилади:

Хуш қол, санам! Жоним, хуш қол,

Омон бўлсам, қайтарман ҳам.

Тонг чоғида булбул мисол

Дил розини айтарман ҳам.[3]

Бу сатрлардаги “хуш қол” бирикмаси орқали ифодаланган истак жангга кетаётган йигит томонидан суйган ёрига айтилмоқда. Шоир ижодида бадиий мукамалликни таъминлашда, образ яратишда бундай халқона ифодаларнинг ўз ўрни бор.

Миртемир яратган образли ифодаларда поэтик тафаккурнинг етакчи хусусияти фикр ва туйғунинг уйғунлигига эришиш, ғоявий аниқлик ва ифоданинг тўлиқлигида кўзга ташланади.

Қизиғи шундаки, олқишлардан бадиий ижодда фойдаланиш бошқа халқлар эстетик тажрибасида ҳам кузатилади. Масалан, инглиз шоири Роберт Бёрнснинг Бегойим Холбоева томонидан таржима қилинган “Ёр кўнглининг қиролиман” шеърида олқишга йўғрилган шундай ижтимоий мазмундаги фикрлар келтирилган:

Майли, омон бўлгин, сен гулим,

Кўнгил мулким, азиз севгилим.

Ҳамроҳ бўлсин қалбингга абад

Тинчлик ила эзгу муҳаббат [4].

Шеърда “Омон бўлгин” бирикмаси, биринчидан, йигит-қизнинг хайрлашувини, иккинчидан, шу вазият олдидан йигитнинг қизга саломатлик изҳор этиш билан боғлиқ эзгу тилагини ифодалаб келмоқда.

Роберт Бёрнснинг “Қизил атиргул” шеърида қадаҳ сўзи айтиш ҳолати ифодаси кузатилади:

Шароб бергил, тўлдириб бергил

Биллур қадаҳларда сен бугун.

Сафар олди сўнги бор ичай

Гўзал ёрим соғлигинг учун.

Роберт Бёрнснинг “Жон арпа дони” балладасида қадах олқишлари келтирилган:

Бир қадахдан жонланар

Муҳаббатнинг шеваси,

Ғам-андухин унутар

Аскарларнинг беваси...

Мудом Арпа Дон ила

Қадахлар майга тўлсин.

Кўҳна шотланд ўғлонлари

Бу дунёда бор бўлсин!

Ушбу балладада уруш қатнашчиси аскар Джонни ва яна бошқа аскарларни хотирлаб, улар ёди йўлида қадах кўтариш орқали руҳига хотиржамлик тилаш мотиви учрайди.

Роберт Бёрнснинг “Қалбим менинг тоғларда” шеърида Миртемирнинг “Хуш қол” шеърида учрайдиган “сафар олди хайрлашуви” мотиви билан боғлиқ сафар олқиши шакли ва мазмунидаги қуйидаги мисраларни кузатиш мумкин. Бу шеърни Муҳаммад Али ўзбек тилига таржима қилган.

Алвидо, эй ватаним! Доврукли Шимол,

Шон-шарафлар ўлкаси, энди яхши қол!

Қувғиндиман дунёда, аммо билурман:

Мен бир умр фарзандинг бўлиб қолурман!

Бу мисраларда узок сафарга отланган инсоннинг она юртига бўлган самимий муҳаббати, соғинчи билан боғлиқ туйғулари ифода қилинган. Шоир “Шон шарафлар ўлкаси, энди яхши қол!” мисрасида лирик қаҳрамоннинг ўз она шахрини тарк этиши олдида қалбида кечаётган туғёнларини, унга муҳаббати кучлилигидан юрак узиши қийин бўлаётганини, аслида бир умр шу ернинг фарзанди бўлиб қолишни истаётганини таъкидлай олган.

Хулоса қилиб айтганда, икки қардош бўлмаган давлатларнинг шеъриятида хилма-хил мавзулар қатори олқиш руҳидаги эзгу ният, яхши тилак билан боғлиқ фикрлар ҳам ўзига хос поэтик ифода шаклига солингани кузатилади. Аммо улар кўпроқ замон воқеликларига мос равишда маҳорат билан куйланган. Икки ижодкор шеъриятида ҳам олқиш руҳидаги ҳар бир сатр туйғулар туғёнига, эҳтиросли поэтик фикрларга, жўшқин, самимий ва майин оҳангларга бойлиги билан эътиборни тортади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Миртемир. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б.152.

2. Миртемир. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б.190.

3. Миртемир. Асарлар. Уч жилдлик. Биринчи жилд. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – Б.195.

4. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/robert-byorns-qoshiq-va-balladalar.html>.

5. <https://ziyouz.uz/jahon-sheriyati/shotland-sheriyati/robert-berns/>

	xususiyatlarini e`tiborga olish masalalari.....	
49	<i>Ganiyeva X.</i> Tilshunoslikda punktuatsion belgilarning ahamiyati.....	161
50	<i>Otamurodova O.</i> Basic types of adverbs in english language.....	165
51	<i>Рустамова Ш.</i> Бир тилда гапирувчи халқларнинг вужудга келиши.....	167
52	<i>Ёрматова Ё.</i> Тилшуносликда интонация масалалари.....	170
53	<i>Анарбаев О.</i> Абраимова Н. Қўшма сўзларни таржима қилишда корпусли ёндашув.....	173
54	<i>Холмурзаев О.</i> İlk o`rta asrlarda musiqa san`ati tarixi.....	176
55	<i>Rashidov S.</i> General linguistic description of connotation.....	178
56	<i>Zaynieva U. Bo`riyeva N.</i> Badiiy asarlarda undalma va undagi presuppozitsiyaning o`rni.....	180
57	<i>Zaynieva U., Burieva N.</i> Address in english from the standpoint of pragmalinguistics, sociolinguistics and psycholinguistics.....	183
58	<i>Турсуннўлатов Д., Турсуннўлатова Я.</i> Сўзлашув нутки ва стилистик синонимлар.....	188
59	<i>Кўбаев М.</i> Мутафаккир боборахим машрабнинг маънавий-маърифий қарашлари.....	192
60	<i>Фозиев Т., Фозиев Ш.</i> XVII-XVIII Асрлар Бухоро хонлиги адабий муҳити жаҳон адабиёти ривожини тизимида нодир хазина.....	196
61	<i>Қо`чқорова М.</i> Tilshunoslikning zamonaviy tadqiqot metodlari: transformatsion tahlil.....	199
2 – ШЎБА. ЗАМОНАВИЙ НАСР ВА ШЕЪРИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ		
62	<i>Сайдазимова У.</i> Корейс китобхонини ўзбек шеърини билан таништиришдаги илк қадамлар.....	202
63	<i>Ҳамидов Х.</i> Бадий таржимада тақлид сўзларнинг берилиши (“Дунёнинг ишлари” асарининг туркча таржимаси мисолида).....	207
64	<i>Бўриева Н.</i> Поэтик, шеърини ва филологик таржималар талқини.....	211
65	<i>Кенжаев А.</i> А.С.Пушкин о художественном переводе.....	215
66	<i>Вохидова Н.</i> Проблема «личность и общество» в рассказе У. С. Моэма «падение эдварда барнарда».....	221
67	<i>Элова У.</i> Ҳ.Лонгфеллонинг “Ҳаявата ҳақида қўшиқ” достонининг Лингвостилистик жиҳатлари.....	225
68	<i>Gafurova G. Matmuratova Umida -</i> Publisistik matnlar tarjimasining lingvostilistik xususiyatlari.....	227
69	<i>Ниязова М.</i> Миртемир ва Роберт Бёрнс шеърларидаги олқиш характерли мисралар таҳлили.....	230
70	<i>Хасанова Ш.</i> Pu Sunling hikoyalaridagi qadimiy joy nomlarining hozirgi kunda ahamiyati.....	233
71	<i>Юнусова Ҳ.</i> Анжамбеман поэтик фигура сифатида ҳозирги ўзбек шеърини мисолида.....	236
72	<i>Юсупова Г.А.</i> Замонавий корейс ҳикояси таржимасида риторик таъсирчанликнинг мурожаат сўзларида ифодаланиши.....	239